

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг навбатдаги 47 сессияси бўлиб ўтди

Бугун Узун туман ҳокимлигида Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг навбатдаги 47 сессияси ўтказилди. Унда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, кун тартибига киритилган масалалар юзасидан масъул идора ва ташкилот раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Сессия ишини Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши раиси ўринбосари – Тошбоев Бўри Ишмаматович бошқариб борди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЗУН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИ

1. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Узун туман инспекцияси томонидан 2022 йил мобайнида туманда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ишлари юзасидан инспекция бошлиғи Р.Ғаппаровнинг ҳисоботи тўғрисида;
2. Узун туман электр таъминоти корхонаси томонидан 2022 йилнинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи А.Ғаффоровнинг ҳисоботи тўғрисида;
3. Узун туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан бошқарма бошлиғи Б.Тўраевнинг ҳисоботи тўғрисида;
4. Узун туманидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тўғрисида
5. Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг 2021-йил 29-мартдаги 174/27-06-сонли қарорининг 1-илоvasи Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳузуридаги “Халқпарвар” комиссиясининг намунавий таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
6. Узун тумани 2022 йилнинг II-чораги давомида Узун туман маҳаллий бюджети параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
7. Узун тумани 2022 йил II -чорак ижроси ва бюджет даромадлар базасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижадорлиги тўғрисида.

8. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳудудларни ихтисослаштириш, бўш турган, захирадаги ва келгусида захирага олинадиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун очиқ электрон танловга чиқариш бўйича тайёрланган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида.
9. Бошқа масалалар;

Кун тартибидаги масалалар юзасидан масъулларнинг ҳисоботи тингланди. Сессияда кун тартибидаги масалалар юзасидан масъулларнинг ҳисоботлари депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор лойиҳалари қабул қилинди.



















